

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛНАВОЗ ҲАСАНОВНА

**ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИ КЛИНИК,
ЭНДОСКОПИК МАНЗАРАСИ ВА ТЕРАПИЯСИНИ РЕФЛЮКСАТ
МУҲИТИГА АЛОҚАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юлдашева Дилнавоз Ҳасановна

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат мухитига алоқадорлиги 3

Юлдашева Дилнавоз Ҳасановна

Связь особенностей клинико-эндоскопических проявлений и терапии гастроэзофагеальной рефлюксной болезни с характером рефлюксата ... 21

Yuldasheva Dilnavoz Hasanovna

The relationship of features of clinical and endoscopic manifestations and therapy of gastroesophageal reflux disease with the nature of reflux 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛНАВОЗ ҲАСАНОВНА

**ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИ КЛИНИК,
ЭНДОСКОПИК МАНЗАРАСИ ВА ТЕРАПИЯСИНИ РЕФЛЮКСАТ
МУҲИТИГА АЛОҚАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Орзиев Завқиддин Мансурович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабоевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Алави

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ГЭРК) тиббиётнинг терапия йўналишидаги долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу касаллик «...XXI аср хасталиги...» сифатида эътироф этилмоқда¹. Дарҳақиқат, орадан кўп вақт ўтмай ушбу башорат кундалик амалиётда ўз тасдиғини топа бошлади. Етакчи Европа ва АҚШ гастроэнтерологик журналлари саҳифаларида охирги 10 йилликда чоп этилаётган илмий мақолаларнинг қарийб 10 фоизи айнан ГЭРКни даволаш муаммоларига бағишланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларга кўра «...ГЭРКнинг учраши ривожланган мамлакатларда 20–40% ни ташкил этиб, мазкур хасталикнинг етакчи клиник белгиси бўлган жигилдон қайнаши ҳиссидан Ер шари аҳолиси доимий азият чекиб келмоқда...»². ГЭРКнинг долзарблиги унинг бутун дунё бўйлаб кенг кўламда барқарор тарқалганлиги ва ушбу ҳолатнинг йил сайин ўсишга мойиллиги билан белгиланади. Айни пайтда ГЭРК нафақат ҳазм ёки ошқозон-ичак тизими (ОИТ), балки инсон танасида учрайдиган барча касалликлар кўламида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Эътиборли томони шундаки, ГЭРК иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар аҳолиси орасида энг кўп кузатилмоқда.

Жаҳонда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат муҳитига алоқадорлигини юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада рефлюксат муҳити тури (РМТ)ни аниқлашга имкон берувчи кўлланилиши қулай ва иқтисодий тежамкор усулни яратиш ҳамда унинг имкониятини, касалликни етакчи клиник белгилари миқдорий кўрсаткичлари кўламининг РМТга алоқадорлик даражасини баҳолашдан иборат. ГЭРК эндоскопик манзарасига хос бўлган белгилар намоён бўлиш даражасининг РМТга алоқадор жиҳатларини, рефлюксат рН муҳити кўрсаткичларига таянувчи муолажа турларини саралаш ва уларнинг терапевтик самарадорлик даражасини қиёсий баҳолашга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш кабилар алоҳида ахамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида ошқозон-ичак тизими касалликларини олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соматик

¹Европа VI гастроэнтерологлар ҳафталиги. Бирмингем, 1997

²Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2014 йил ҳисоботлари

касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»³ каби вазифалар юклатилган. Ушбу вазифаларни бажаришда турли касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва ошқозон ичак тизими касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва аҳоли орасида турли соматик касалликлар даражасини камайтириш ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГЭРК аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламлари орасида кенг тарқалиши, оғир кечиши ва беморларнинг меҳнат қобилияти узоқ муддат давомида издан чиқиши сабабли нафақат тиббий, балки шу билан бирга ижтимоий муаммо ҳам бўлиб ҳисобланади. (Ивашкин В.Т., Трухманов А.С., Маев И.В., 2014; Чернявский В.В. 2016; Klingler P.J., Hunder P.A., De Vault K.R., 2015). Адабиётларда кўпинча ўсмирлик ёшида ГЭРК кечишининг ўзига хос хусусиятлари (Микулин О.Н., Масловский Л.В., Лощина Ю.Н., 2009), ГЭРКнинг «атипик белгилари» (Шептулин А.А., Киприанис В.А., 2005), турли ёшдаги беморларда ГЭРКнинг клиник-эндоскопик ва морфофункционал кўрсаткичлари (Усик С.Ф., Осадчук М.А., Калинин А.В., 2006), ГЭРКнинг баҳсли ва ечилмаган муаммолари (Шептулин А.А., 2008) ҳамда унинг патогенези, клиникаси ва даволаш усуллари (Трухманов А.С. 2008), шунингдек, протон помпаси ингибиторлари (ППИ) таъсирига резистент турлари (Кайбишева В.О., Трухманов А.С., Ивашкин В.Т., 2011) атрофлича ўрганилган. Бироқ ГЭРКнинг клиник, эндоскопик манзаралари рефлюксат (кислотали ва ишқорли) муҳитга боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Республикамизда ГЭРК клиникаси, диагностикаси ҳамда даволаш усуллари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо ГЭРК клиник, эндоскопик манзарасининг рефлюксат муҳитга боғлиқ жиҳатлари ҳанузгача етарли ўрганилмай қолмоқда. Ўрганилган илмий маълумотлардан фарқли ўлароқ, ГЭРК клиник белгилари микдорий кўрсаткичларининг рефлюксат муҳитга боғлиқлиги ҳамда қиёсий

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

муолажасининг баҳолаш натижалари орасидаги самарадорлик кўлами етарлича ўрганилмаган. Ҳолбуки, рефлюксат ушбу белгиларнинг шаклланиш ва ривожланишида генератор вазифасини ўташи соҳа мутахассисларига сир эмас. Шунингдек, рефлюксат рН муҳитининг характери ГЭРК муолажаси стратегиясини ишлаб чиқиш, жалб этиладиган дори-дормонлар турини танлаш, энг муҳими, уларнинг терапевтик самарадорлигини ошириш каби муҳим жиҳатларни муваффақиятли амалга ошириш жараёнига ижобий таъсир ўтказмай кўймайди.

Ўзбекистонда гастроэзофагеал рефлюкс касаллигининг ташхислаш ва оптимал даволаш тизими (Каримов М.М., Саатов З.З., 2017) ва унинг бронхообструктив асоратлари, клиник-патогенетик ва терапевтик аспектлари ўрганилган (Ахмадходжаев А.М., 2018). Бироқ, гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат муҳити турига алоқадорлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

ГЭРКнинг шу ва шунга ўхшаш мунозарали томонлари, айрим мавҳум жиҳатлари ва ҳанузга қадар чигал бўлиб қолаётган томонларига ойдинлик киритиш мақсадида амалга оширилган ушбу тадқиқот иши ГЭРКнинг клиник, эндоскопик манзаралари рефлюксат (кислотали ва ишқорий) муҳитга боғлиқлиги борасидаги амалий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, ГЭРК клиник ва эндоскопик манзараси белгиларининг намоён бўлиш кўлами хусусиятлари ва муолажасининг терапевтик самарадорлик даражасини РМТ га алоқадор жиҳатларини ўрганиш патогенетик асосланган янги дифференциал усуллар ишлаб чиқилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти 03.2018PhD.024 рақамли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Терапевтик касалликлар диагностикасида замонавий лаборатор ва инструментал текшириш усулларини қўллаш самарадорлигини ўрганиш асосида даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник ва эндоскопик манзараси белгиларининг намоён бўлиш кўлами хусусиятлари ва муолажасининг терапевтик самарадорлиги рефлюксат рН муҳит турига алоқадор жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рефлюксат муҳит турини баҳолашга имкон берувчи қўлланилиши қулай ва иқтисодий тежамкор усулни яратиш ҳамда унинг имкониятини баҳолаш;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигида етакчи клиник белгилари миқдорий кўрсаткичлари кўламининг рефлюксат муҳити турига алоқадорлик даражасини ўрганиш;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллигида эндоскопик манзарасига хос бўлган белгилар намоён бўлиш даражасининг рефлюксат муҳит турига алоқадор жиҳатларини баҳолаш;

рефлюксат рН муҳити кўрсаткичларига таянувчи муолажа турларини саралаш ва уларнинг терапевтик самарадорлик даражасини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида даволаниш ўтказилган 136 нафар ГЭРК билан хасталанган, кислотали 108 нафар ҳамда 28 нафар ишқорий рефлюксат муҳитига эга бўлган беморлар ва назорат гуруҳни 18 нафар физиологик соғлом кишилар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар ва назорат гуруҳи шахсларининг рентгеноскопия ва графия, фиброгастроуденоскопия, сўлак ҳамда аспирацион рефлюксат суюқликларининг *in vitro* шароитида рН метрияси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, биокимёвий, рентгенологик, эндоскопик, рН-метрия, спектрофотометрия ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта рефлюксат рН муҳити кўрсаткичини ишончли аниқлашга имкон берувчи комплекс усул клиник амалиётда қўлланилган ва унинг имконияти баҳоланган;

гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник ва эндоскопик манзараси намоён бўлиш жараёни рефлюксат рН муҳит турига алоқадор жиҳатларининг шу кунга қадар мавҳум бўлиб турган хусусиятлари асосланган;

рефлюксат рН муҳит аниқ кўрсаткичига таянган ҳолда гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги муолажаси турини таклиф этиш унинг терапевтик самарадорлик имкониятини сезиларли даражада ошириши асосланган;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинларида фаолият кўрсатиб келаётган шифокорларнинг кундалик клиник амалиёти давомида фойдаланиши жиҳатдан қулай бўлган гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги ташхиси ва муолажаси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш тизимининг амалий тиббиёт билан шуғулланувчи даволаш муассасалари бажарилиши жиҳатда қийин бўлмаган, қимматбаҳо асбоб-ускуналар талаб этилмайдиган ва айни пайтда информатив имконияти жиҳатидан тенглаша оладиган рефлюксат рН муҳит кўрсаткичларини аниқлашга имкон берувчи усул асосланган;

ГЭРКнинг рефлюксат рН муҳити кислотали ёки ишқорий турига хос клиник ва эндоскопик белгиларни гуруҳларга саралаш тартиби асосланган;

хасталикнинг муҳит тури вақтли ташхиси, самарадор муолажаси ва тўлақонли профилактикасини эрта таъминлашга замин яратувчи чоратадбирлар мажмуасини яратиш ва қўллашда муҳим манба бўлиши исботланган;

рефлюксат рН муҳити турини инобатга олувчи муолажа усулларида фойдаланиш ГЭРК терапияси самарадорлигини сезиларли даражада ошириши ва айни пайтда ушбу мақсад учун қўлланиладиган дори-дармонларга қилинадиган харажатлар қийматини бирмунча пасайтириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан

тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий, асбобий, рН-метрия, спектрофотометрия ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, гастрозофагеал рефлюкс касаллиги клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат муҳитига алоқадорлигини халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГЭРК асосий клиник белгилари Лайкертнинг 5 балли шкаласи ёрдамида берилган миқдорий баҳо орқали рефлюксат рН муҳит турига алоқадорлиги жиҳатидан гуруҳларга саралаш ҳамда унинг муолажаси самарадорлиги айнан шу кўрсаткичга боғлиқлиги келгусида бажариладиган илмий изланишларнинг илк босқичидаёқ тўғри йўналишни топишда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГЭРК асосий клиник белгиларига миқдорий баҳо берилиши ва уларнинг рефлюксат рН муҳит турига (кислотали ёки ишқорли) алоқадорлик даражасига мувофиқ гуруҳларга сараланиши – мазкур клиник белгиларнинг диагностик аҳамияти ошиши ва шу туфайли ГЭРК ташхисини ҳатто амбулатор шароитда ҳам амалга ошириш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, клиник амалиёт жараёнида қўлланилиши қулай бўлган ГЭРКнинг мазмунан янги поғонали муолажаси таклиф этилиши ва унинг самарадорлик имкониятининг одатий даволаш усулларида устуворлиги ушбу илмий изланишнинг амалий аҳамияти муҳимлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: гастрозофагеал рефлюкс касаллиги клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат муҳитига алоқадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гастрозофагеал рефлюкс касаллиги типик шаклининг клиник аломатлари миқдорий кўрсаткичларининг диагностик аҳамияти» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 8н-д/266-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома касалликнинг асосий клиник аломатларининг миқдорий баҳолаш, амбулатор шароитда унинг эрта ташхислаш имконини берган;

«Гастрозофагеал рефлюкс касаллиги поғоналари оптимизациялаштирилган муолажа усулининг самарадорлиги» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 8н-д/266-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ГЭРК билан хасталанган беморларни даволашнинг оптимал вариантларини танлаш имконини берган;

гастрозофагеал рефлюкс касаллиги клиник, эндоскопик манзараси ва терапиясини рефлюксат муҳитига алоқадорлиги баҳолаш самарадорлиги ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар шифохонаси ва Бухоро вилояти Жондор туман

терапия бўлимлари амалиётида тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 8н-з/32-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши гастроэзофагал рефлюкс касаллигининг эрта ташхисини таъминлаш билан бир қаторда муолажаси самарадорлигини сезиларли даражада оширган, касалликнинг минтақада тарқалиши ва ногиронлик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келган, даволаш харажатларини 20%га, беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини 2 кунга камайтириб, беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 12 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини ташхислаш ва даволашда рефлюксат муҳит турининг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, турли характердаги рефлюксат билан кечадиган ГЭРК эпидемиологияси, хасталик ривожланишида кислотали ва ишқорий рефлюксат таъсирининг мунозарали жиҳатлари, клиник ва эндоскопик белгилари шаклланишида рефлюксат характерининг дахлдорлиги ҳамда ҳозирги кунда ГЭРКни даволашнинг самарасизлиги муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўрганилган муаммо бўйича ўз ечимини топмаган ва чуқур ўрганишни талаб этадиган масалалар аниқлаштирилган ҳамда ушбу йўналишда изланишлар олиб бориш зарурлиги асосланган. Касалликни ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил

қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Клиник материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот клиник материаллари ва усуллари тўлиқ баён этилган. Мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2010–2015 йилларда амалга оширилди. Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази «Гастроэнтерология» бўлимида ГЭРК билан ётқизилган 136 нафар бемор (асосий гуруҳ) ва уларнинг рефлюксат муҳит турига боғлиқлиги комплекс ўрганилди. Текширувга қамраб олинган беморлар ҳар иккала жинсга мансуб бўлиб, ёши 18 ёшдан 57 ёшгача (ўртача $34,2 \pm 4,2$)ни ташкил этди. Ушбу беморларнинг 79 нафари (58%) аёл, 57 нафари (42 %) эркак жинсига мансуб шахслар. Назорат гуруҳи (НГ)га жалб этилган шахсларнинг ёши 18 ёшдан 46 ёшгача ($32,4 \pm 1,30$) бўлиб, уларнинг 10 нафари (56,0%) аёл, 8 нафари (44,0%) эркак жинсига мансуб кишилардан иборат.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда қуйидагича тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: комплекс рН-метрия (сўлак ва рефлюксат); биокимёвий текширув усуллари (ошқозон шираси таркибида ўт кислоталари миқдорини спектрофотометрик усулда аниқлаш); ГЭРК етакчи клиник белгилари миқдорий кўрсаткичлари кўламининг РМТга алоқадорлик даражаси (Лайкерт шкаласи асосида)ни ўрганиш; ГЭРК эндоскопик манзарасига хос белгилар намоён бўлиш даражасининг РМТга алоқадор жиҳатларини баҳолаш; рефлюксат рН муҳит кўрсаткичларига таянувчи муолажа турларини саралаш ва уларнинг терапевтик самарадорлик даражасини қиёсий тавсифлаш.

Сўлак рН-метрияси эрталаб наҳорда илмий тадқиқот жараёнига жалб этилган: 18 та соғлом НГ ҳамда 136 нафар ГЭРК билан хасталанган асосий гуруҳ (АГ) беморларнинг барчасида динамик равишда амалга оширилди. Усулни амалга оширишда текширишга жалб этилган шахслар сўлакнинг эрталаб наҳордаги порцияси 4–5мл миқдорини оғзи маҳкам бекиладиган махсус идиш (пробирка)га олинди. Рефлюксат рН-метрияси тадқиқот жараёнига АГ беморлар жалб этилди. Фиброэзофагогастроуденоскопия (ФЭГДС) жараёнида қизилўнғач бўшлиғига отилган рефлюксат эндоскоп ёрдамида сўриб олиниб, пробиркага кўчирилди. Сўлак ва рефлюксат суюқликлари рН-метрияси *in vitro* шароитида BFRL. S–20 (Швецария) русумли универсал рН-метри орқали амалга оширилди. Сўнгра олинган натижалар таҳлил қилиниб, рефлюксат рН муҳит тури тўғрисида хулоса қилинди. Навбатдаги текшириш жараёнида рефлюксат таркибий қисми спектрофотометрик усул билан ўрганилди. Ҳозирги кунда дуоденогастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (ДГЭР)ни аниқлашнинг «олтин стандарти» бу спектрофотометрия (СФ–26. Россия) 420 тўлқин узунлигида ошқозон ширасида билирубиннинг, асосан, ўт компонентлари билан бўялишига қараб баҳолашдир. Бунда 2 мл ошқозон шираси зонд орқали сўриб олинди ва 2 мл гидрокарбонат буфери (NaHCO_3 , 0,24 моль/л) қўшилди.

Сўнгра филтрланиб, 420 нм тўлқин узунлигида 5 дақиқалик танаффус билан 1 соат давомида кюветага кўйилди. Ошқозон ширасида билирубин чиқмаслиги дуоденал массанинг ошқозонга ўтмаганлигидан далолат берди.

Қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватларида кузатиладиган ўзгаришлар турларини визуал (айрим ҳолларда морфологик) баҳолаш мақсадида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази функционал диагностика бўлимида ГЭРК билан хасталанган 136 нафар беморлар ФЭГДС (Olimpus. Япония)дан ўтказилди. Ушбу усулни қўллаш давомида қизилўнгач шиллиқ қаватининг визуал ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, шиллиқ қаватдаги яллиғланиш жараёни даражаси, эрозия, яра, стриктуралар ва қон қуйилишлар локализацияси, ўлчами ҳамда сони синчковлик билан эндоскопик кўриқдан ўтказилди.

Қизилўнгач шиллиқ қаватидаги мавжуд ўзгаришлар: Carisson ва бошқалар (1996) томонидан модификацияланган Savary–Miller (1978) таснифи ва Европа гастроэнтерологларининг Амстердамда ўтказилган IX ҳафталигида қабул қилинган клиник-эндоскопик таснифда таклиф этилган маълумотлар асосида баҳоланди.

Тадқиқот давомида қўлланилган диагностик усулларнинг самарадорлик даражасини таҳлил қилишда статистик тадқиқотлар натижаларининг чинлигини баҳолашнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларни (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион нопараметрик икки мустақил гуруҳ, миқдорий кўрсаткичлар – (Манн-Уитни) усули; иккитадан ортиқ мустақил гуруҳ, миқдорий кўрсаткичлар – (Краскел-Уоллис) усули статистика усуллари қўлланди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганиб, параметрик хатоликлар эҳтимоллигини (P) (ишончилиқ чегарасини) аниқлаш учун тузилган махсус жадвалдан Стюдент (t) мезонидан фойдаланилди. Гуруҳлараро маълумотларни қиёслашнинг статистик аҳамият даражаси $p < 0,05$ атрофида бўлган натижалар етарли деб баҳоланди.

Диссертациянинг «**Рефлюксат рН муҳит турини аниқлашда имкон берувчи комплекс усулнинг имкониятини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида текширишга жалб қилинган АГдаги 136 нафар ва НГдаги 18 нафар беморларда сўлак рН-метрияси натижалари таҳлил қилинди. 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, НГдагилар оғиз бўшлиғи суюқлигининг рН-метрик кўрсаткичи ўртача қиймати $6,8 \pm 0,03$ шартли бирлик (ШБ)дан иборат бўлди ва ушбу ҳолат нейтрал муҳит деб тан олинди. ГЭРК билан хасталанган беморларнинг (АГ) оғиз бўшлиғи суюқлигини рН-метрик текшириш орқали олинган маълумотлар ўз қиймати билан НГдагиларнинг айни кўрсаткичларидан яққол фарқланди.

1-жадвал

Тадқиқотга жалб этилган шахсларнинг оғиз бўшлиғи суюқлиги рН-метрияси кўрсаткичлари натижалари

Гуруҳлар	Сўлак рН-метрияси кўрсаткичлари, шартли бирликда (ШБ)			P
	Minimal	Maximal	M±m	
НГ (n=18)	6,7	7,0	6,8±0,03	
АГ(ИРМ) n=28	7,4	9,4	8,4±0,12	<0,001
АГ (КРМ) n=108	4,7	5,7	5,2±0,03	<0,001

Изоҳ: ** p<0,001 назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ.

АГ беморлар сўлаги рН-метриқ таҳлили давомида қайд этилган натижаларнинг ¼ қисми НГдагиларининг айна кўрсаткичлари қийматидан баланд, ишқорий рефлюксат муҳит (ИРМ) 8,4±0,12, аксинча, ¾ қисми эса паст, кислотали рефлюксат муҳит (КРМ) 5,2±0,03 бўлиб чиқди. Айтиш мумкинки, НГ ва АГдагиларнинг ушбу кўрсаткичлари қийматлари орасидаги фарқ статистик саралаш жараёни давомида ишончли чегара (P<0,05) атрофида бўлди.

Навбатдаги текшириш рефлюксат рН-метрияси илмий-тадқиқот жараёнига жалб этилган АГдаги 136 нафар беморларда амалга оширилди.

2-жадвал


ГЭРК билан хасталанган беморлар рефлюксатининг рН-метриқ текширишлар натижаси

Гуруҳлар	Беморлар сони (n)	Рефлюксат рН-метрияси кўрсаткичлари, шартли бирликда (ШБ)			P
		Minimal	Maximal	M±m	
Кислотали	108	2,8	6,3	4,5±0,09	<0,001
Ишқорли	28	6,8	11,0	8,8±0,23	

Изоҳ: ** p<0,001 кислотали ва ишқорли муҳит кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ.

2-жадвал маълумотлардан, ГЭРК билан хасталанган жами 136 нафар беморлар рефлюксати рН муҳит тури натижалари таҳлил қилинганда 28 нафари (20,6%)да ишқорий (8,8±0,23 ШБ), 108 нафари (79,4%)да эса кислотали (4,5±0,09 ШБ) кўрсаткич кузатилди.

Қайд этиш лозимки, ГЭРК билан хасталанган АГ беморларининг ушбу кўрсаткичлари қийматлари статистик саралаш жараёнида аниқланган фарқнинг ишончилиқ чегараси P<0,001 атрофида бўлди.




1-расм. Текширилган гуруҳларда сўлак ҳамда рефлюксат рН-метрияси кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик натижалари

1-расмдан кўриш мумкинки, сўлак ва рефлюксат рН-метрияси натижалари қиёсий баҳоланганда КРМли беморларда рН муҳитни кислотали томонга, аксинча, ИРМли беморларда эса ишқорий томонга силжиши кўрилди. Бу бевосита ГЭРК рефлюксат муҳит турига (кислотали ёки ишқорий) боғлиқлигини англатади.

ГЭРК билан хасталанган жами 136 беморнинг 28 нафари (20,5%) рефлюксати таркибидаги ўт пигменти фиброоптик спектрометрия усулида ўрганилганда сифатий кўрсаткичлар натижалари ижобий бўлиб чиқди. Бу ўз навбатида ушбу беморларнинг рефлюксат суюқлигига ДГЭР туфайли ўт пигментлари аралашгани ва шунинг учун унинг рН муҳити ишқорий турга эгаллигига ишора қилувчи далил вазифасини ўтайди. Тадқиқотга жалб этилган беморларнинг катта қисмида, аниқроғи, 108 нафарида (79,4%) рефлюксат таркибидаги ўт пигментлари сифат кўрсаткичлари фиброоптик спектрометрия усулида ўрганилганда манфий натижалар қайд этилди. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу далил юқорида қайд этилган беморлар рефлюксати ГЭР туфайли юзага келганлиги ва шунинг учун ҳам унинг рН муҳити кислотали тусга эгаллигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги клиник ва эндоскопик манзарасини мужассамлаштирувчи белгиларни рефлюксат муҳит турига алоқадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида ГЭРК клиник белгилари миқдорий кўрсаткичлари учраш кўлами ҳамда эндоскопик манзарасининг рефлюксат муҳит турига боғлиқлиги бўйича таҳлил натижалари келтирилган. Илмий тадқиқотга жалб этилган ГЭРК билан хасталанган беморларда қайд этилган мазкур патологияга хос асосий клиник белгиларнинг миқдорий кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида Лайкертнинг баллар орқали ифодаланувчи ижтимоий шкаласи (Р. Лайкерт)дан ушбу тадқиқот давомида фойдаланилди. У ГЭРКга хос белгилар йўқ – 1 балл; енгил кўринишда ифодаланувчи ГЭРКга хос белгилар (ўйламаса ҳатто сезмайди) – 2 балл; ўрта даражада беморни доимий безовта қилади (хис этмасликни иложи йўқ, аммо кундузги фаоллик ҳамда уйқуни бузмайди) –

3 балл; кучли намоён бўлувчи ГЭРКга хос белгилар (кундузги фаоллик ва уйқуни бузади) – 4 балл; ўта кучли намоён бўлувчи ГЭРКга хос белгилар (яққол равишда кундузги фаоллик ва уйқуни бузади) – 5 балл мезонларни қўллаш орқали амалга оширилди. Қуйидагилар ГЭРКга хос асосий клиник белгилар ҳисобланади: жиғилдон қайнаши; регургитация; кекириш; оғизда аччиқ таъм сезгиси; оғизда нордон таъм бўлиши; дисфагия; одинофагия.



2-расм. Ўрганилган беморларда ГЭРК белгиларининг РМТ га боғлиқ холда қиёсий учраш кўлами, n=136.%.

2-расмдан кўриш мумкинки, КРМли беморларда жиғилдон қайнаши белгиси учраш даражаси 97% (ушбу кўрсаткич рефлюксат рН муҳити ишқорий тури бўлган беморларда 75,0%), иккинчиси эса 84% (рН муҳит ишқорий касалларда 89%)дан иборат бўлди.

3-жадвал

ГЭРКга хос клиник белгилар миқдорий баҳоси қийматининг РМТга алоқадорлиги

Асосий симптомлар	Рефлюксат рН – муҳити тури		P
	Кислотали (n=108)	Ишқорли (n=28)	
Жиғилдон қайнаш	4,6±0,01	3,6±0,18	<0,001
Регургитация	4,0±0,02	4,2±0,02	>0,05
Кекириш	2,1±0,1	2,7±0,14	<0,001
Оғизда аччиқ таъм	0,75±0,03	4,4±0,02	<0,001
Оғизда нордон таъм	4,4±0,02	0,66±0,05	<0,001

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,001$ фарқлар муолажадан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли

3-жадвалдаги маълумотлар асосида ГЭРКга хос айрим клиник белгилар рефлюксат рН муҳит туридан (кислотали ёки ишқорий) қатъи назар, нисбатан кўп учраш хусусиятига эга бўлиб чиқди. Бундай хусусиятга эга клиник белгилар қаторидан жиғилдон қайнаши, регургитация ва кекириш каби белгилар ўрин эгаллади. Ҳар иккала гуруҳ беморлари орасида энг кўп билдирилган шикоят жиғилдон қайнаши бўлиб чиқди. Мазкур клиник белгининг тарқалиш даражасида текширишга жалб этилган иккала гуруҳ беморлари орасида статистик эътиборга молик фарқ аниқланмади. Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, жиғилдон қайнаши клиник белгининг миқдорий кўрсаткичи РМТ кислотали беморларда энг юқори қийматга эга бўлиб, $4,6 \pm 0,01$ баллни, ишқорий РМТли беморларда нисбатан пастроқ кўрсаткич бўлиб, $3,6 \pm 0,18$ баллни ташкил этди. Ушбу миқдорий кўрсаткичлар қиймати орасидаги фарқ статистик ишончли ($P > 0,001$) ораликда бўлди. Жиғилдон қайнаши, оғизда нордон таъм, кекириш ва оғизда аччиқ таъм ҳис этилиши каби клиник белгиларнинг намоён бўлиш интенсивлиги ва ажратилган миқдорий кўрсаткичлар қиймати РМТга алоқадорлик даражаси яққол кўринди. Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган ГЭРКга хос клиник белгиларнинг миқдорий кўрсаткичлари қиймати биринчи жуфтликда РМТ кислотали, кейинги жуфтликда эса, аксинча, ишқорий бўлган беморларда нисбатан юқори.

ГЭРК эндоскопик манзарасининг рефлюксат муҳит турига алоқадорлиги ўрганилганда тадқиқот доирасига жалб этилган ГЭРК билан хасталанган жами 136 нафар бемор ва НГдаги 18 нафар беморнинг барчаси қизилўнгачи эндоскопик текшириш жараёнидан ўтказилганда куйидаги маълумотлар қўлга киритилди: ГЭРК билан хасталанган жами 136 нафар беморнинг 97 нафари (71,3%)да қизилўнгач дистал қисми шиллик қаватидаги катарал яллиғланиш – эзофагитга хос эндоскопик ўзгаришлар қайд этилди. Айни пайтда ушбу турдаги эндоскопик ўзгаришлар ноэрозив рефлюкс хасталиги (НЭРХ) номи билан юритилади. Беморларнинг қолган 39 нафари (28,7%)да аниқланган натижалар эндоскопик ўзгаришларнинг жиддий кўринишлари қаторидан ўрин олувчи эрозия ва яралардан иборат бўлди ва у эрозив ярали рефлюкс хасталиги (ЭЯРХ) номи билан юритилади

Қизилўнгач дистал қисми шиллик қавати бутунлигига путур етиши билан кечадиган эндоскопик ўзгаришлар аниқланган жами 39 нафар ГЭРК билан хасталанган беморларнинг 30 нафари (76,9%)да эрозия ва 9 нафари (23,1%)да яралар аниқланди. Эрозияларнинг якка-якка учрайдиган турлари 17 нафар (56,6%), кўпчилик ҳолатидаги кўринишлари 13 нафар (43,3%) беморларда қайд этилди. Жами аниқланган эрозияларнинг 25 нафар (83,3%) РМТ кислотали бўлган беморлар, 5 нафари (16,6%) эса РМТда ишқорий тус қайд этилган беморларни ташкил этди.

ЭЯРК билан хасталанган беморлар қизилўнгачи шиллик қаватида қайд этилган эрозиялар орасида уларнинг нуктасимон кўриниши нисбатан кўп учради. Қизилўнгач шиллик қаватида эрозиялар қайд этилган жами 30 нафар беморнинг 17 нафарида (56,6%) нуктасимон, 8 нафарида (26,6%) чизиқсимон ва 5 нафарида (16,6%) овал ёки думалоқ кўринишлари аниқланди. Ушбу

кўрсаткичларни таққослаб ўрганиш, эрозияларнинг нуқтасимон шакли ўзининг учраш даражаси жиҳати билан, уларнинг чизиқсимон ва овал ёки думалоқ кўринишларининг йиғиндисини миқдорий қийматидан деярли 1,5 мартадан ортиқ устунликка эгаллиги кузатилди.

Қизилўнғач шиллик қаватида аниқланган жами яралар РМТ ишқорий бўлган беморларнинг 2 нафариди (22,2%), РМТ кислотали тус қайд этилган беморларнинг 7 нафариди (77,7%) учради. Эндоскопик текширишда НГга жалб этилган жами 18 нафар шахсларнинг қизилўнғач шиллик қаватида патологик ўзгаришлар аниқланмади.

ГЭРК билан хасталанган беморлар қизилўнғач шиллик қаватида аниқланган эрозия ва яралар РМТ кислотали бўлган беморларда нисбатан кўп учради, бу бевосита меъданинг қизилўнғачга контакти билан боғлиқ, ишқорий рефлюксат муҳитли беморларда эса НЭРКга хос манзара кузатилди.

Диссертациянинг «**Поғоналари оптималлаштирилган гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги муолажа усули самарадорлигининг рефлюксат муҳит турига алоқадорлиги**» деб номланган бешинчи бобиди ГЭРКда рефлюксат муҳит турига мос қиёсий даволаш таҳлил натижалари келтирилган. Таклиф этилаётган ГЭРК муолажаси усули 3 поғонадан иборат бўлиб, уларнинг кетма-кетлик тартиби биринчи навбатда турли кўринишдаги рефлюксларни бартараф этиш ва олдиндан режалаштирилган даво самарадорлигига эришиш имкониятини кўзлаб амалга оширилган. Шунинг учун ҳам унинг дори-дармонли поғонаси одатдагидек ППИ намоёндаларидан эмас, балки прокинетиқларни қабул қилишдан бошланади.

